

## **REFORMS IN THE EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN AND THEIR EFFECTIVENESS**

**Kadyrova F M,**

Senior Lecturer, Department of Foreign Languages,  
University of Public Security, Republic of Uzbekistan

**Abstract:** This article analyzes the quality of education and the essence of its management, which is of great importance in the training of future professionals, its specific features and trends, as well as approaches to education quality management. International quality standards of education quality management, its models and components are based.

**Keywords:** Quality of education, quality of education management, approaches, models, “Deming cycle”, general quality management (TQM), international quality standards, “French” method, “English” method

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ САМАРАСИ.**

### **РЕФОРМЫ ПРОВОДИМЫЕ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ**

**Ф.М.Қодирова**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада бўлажак мутахассисларни тайёрлашда долзарб аҳамият касб этадиган таълим сифати ва уни бошқаришнинг моҳияти таҳлил қилинган, унинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари келтириб ўтилган ҳамда таълим сифати менежменти йўналишидаги ёндашувлар изоҳланган. Таълим сифатини бошқаришнинг халқаро сифат стандартлари, унинг моделлари ва таркибий қисмлари асослаб ўтилган.

**Калит Сўзлар:** таълим сифати, таълим сифати менежменти, ёндашувлар, моделлар, “Деминг цикли”, сифатни ялпи бошқариш (TQM), халқаро сифат стандартлари, “француз” методи, “инглиз” методи.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳар бир соҳага улкан эътибор қаратилди, шу билан бирга таълим соҳасида ҳам туб бурилиш юз берди. Йилдан-йилга ёшларга кўрсатилаётган эътибор ортиб борди. Жумладан, бир қанча олий таълим муассасаларини

**July, 30<sup>th</sup> 2021**

биз каби ёшларга чуқур таълим олиши учун энг илғор таълим технологиялари билан жиҳозланди. Бунинг самараси ўлароқ, ўзбек ёшлари халқаро фан олимпиадаларида голиблик шохсупасига кўтарилиб келмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртларига қабул жараёнларининг шаффоғлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мактаб билан коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш, хусусан, ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув-касб корхонаси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. «Юқори синфларда болалар шахс бўлиб, жамоа бўлиб шаклланади. Айни ўша пайтда уларни ўзлари ўрганган мухитдан ажратиб қўймаслик керак. Бу ёшларнинг руҳиятига, давоматига, охир-оқибатда таълим-тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш зарур», — деган Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтганди.

«Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир мухим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарashi билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», дея президентнинг сўзларини келтирган. Бу вазифалар мактаб, оила, маҳалла, бутун жамоатчиликка катта масъулият юклаши, мамлакатда таълим-тарбия соҳасининг барча бўйинлари – мактабгача таълим, мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар камолотида ўз самарасини бериши таъкидланган.

Юртимиз азал-азалдан илм ўчоги, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири деб эътироф этиб келинган. Ўрта асрлардан халқимиз таълим соҳасида юксак мэрраларга эришган бўлиб, жаҳон цивилизацияси ҳамда фан соҳасига улкан хисса қўшишган. Мисол тариқасида, IX-XII асрларда Мовороуннахрда кўплаб ўкув масканлари бўлиб, улардан чинакам олимлар, уламолар етишиб чиққан. Хусусан, Хоразм Маъмун академияси ҳам шу даврдаги йирик тадқиқот марказларидан ҳисобланган. Алгебра фани бобоколонимиз Муҳаммад-ал-Хоразмий номи билан аталганлиги, бу азал-азалдан бизнинг қонимизда яратувчанлик, илм олишга бўлган қизиқишдан далолатdir. Бундан ташқари яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операцияларини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Унинг “Тиб қонунлари” асари Европада “Инжил” китобидан кейин энг кўп нашр этилган китоблардан бири бўлиб, 500 йил давомида дунёнинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртларида барча талabalар учун дарслик сифатида ўрганиб келишган.

**July, 30<sup>th</sup> 2021**

Аждодларимиз ҳақида жуда кўп гапириб ўтишимиз мумкин, лекин шуни алоҳида айтиб ўтишимиз керакки шу инсонлар орқали таълим тизимидағи пойдеворимиз мустаҳкам барпо этилди десак муболага бўлмайди.

Шу билан бирга кадрлар тайёрлаш мукаммал тизим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш юртимиз тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Шу мақсадда, Ўзбекистонтон Республикасининг 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қабул қилинган бўлиб, ушбу дастур “Таълим тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси қонун қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган. Унинг устувор вазифаларига, миллий ва хорижий таълим тизими асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мусатақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хуқукий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Ҳеч кимга сир эмаски, таълим соҳаси кун сайин ривожланиб бормоқда. Кечаги илғор технологияларни ҳам бугунги кунда фан тан олмайдиган даражада шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда ва бу юксалишлар йиллар мобайнида Оммавий ахборот воситаларида кенг кўламда ёрилиб келмоқда. Телевидение дейсизми, радио дейсизми барчасида таълим соҳасидаги ислоҳотлар, янгиликларни соатма-соат, кунма-кун кузатишимиз мумкин. Хатто, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтида бериб бориладиган ҳабар ва янгиликларни телевидения ва интернет орқали кузатишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевни 16 август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминланган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимини тузилишини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.Мажидов, Ўрта маҳсус касб-хунар маркази директори М.Холмуҳамедов, Халқ таълими вазири У.Иноятов ва уларнинг ўринbosарларини қабул қилди ва хисботларни тинглади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берилган топшириқлар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Бу каби катта ислоҳотларнинг Оммавий ахборот воситаларида батафсил бериб борилиши жуда ўринлидир. Жумладан маърифат газетасининг 26.06.2018 йил сонида Халқ таълим тизимини такомиллаштириш бўйича “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти таклифлари мақоласида бир қанча муаммо, ечим,

**July, 30<sup>th</sup> 2021**

тавсия ва таклифларига кўзимиш тушади. Мисол тариқасида, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 13 июнда қабул қилинган “Халқ таълими муассасанинг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низоми тасдиқлаш хақида”ги буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2012 йил 3 июля 2377 раками билан рўйхатдан ўтказилган) “Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом”ининг 6-боб 24-бандига кўра, таълим муассасасида ўқувчилар ва уларнинг отоналаридан турли сабаблар билан таълим муассасаси раҳбарияти ва бошқа ходимлари (синф раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячи, тарбиячи-ёрдамчилар ва тўгарак раҳбарлари) томонидан пул маблағлари йиғиш қатъиян таъкидланади. Шундай бўлсада, мактаб фонди, таъмирлаш ишлари, фаррошга хақ тўлаш, канцелярия молларини харид қилиш, турли байрамлар ўтказиш, ўқитувчи-педагогларга совға саломлар олиш каби важлар билан ўқувчилардан ноконуний равишида пул йиғиш ҳолатлари хамон мавжуд.

Шу каби долзарб муаммоларнинг ечимини топишида таклиф асносидаги мақолаларнинг кенг кўламда ёритилиб борилиши таҳсинга сазовардир. Бу турдаги мақолаларимиз, кўрсатувларимиз ҳақида кўп гапириш, ёзиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ОАВнинг нафақат таълим тизимида, балки барча жабҳаларда ўрни бекиёсdir. Турли хил соҳаларда муаммоларнинг ёритилиши, айниқса мунтазам равишида акс эттирилиши ушбу муаммоларни ечимида, барҳам топишида ОАВ муҳим роль ўйнайди. Хатто, телевидение орқали узатилиб борилаётган ток-шоулар ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Шу тарздаги таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг оммага тўлиқ тарзда узатилиб борилаётганлиги, аста-секинлик билан ушбу соҳада улкан ютуқларга тўлалигича этишишимиздан далолатdir.

Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳаза, маълумотлар Ўзбекистон қисқа давр ичida таълим соҳасида юксак ютуқларга эришганини кўришимиз мумкин. Келгусида ҳукуматимиз томонидан таълим тизимида илгари сурилаётган изчил ислоҳотлар давомли бўлиши, биз каби ёшларга илҳом баҳш этиб, янада юксак марраларни зabit этишишимизда имкон, замин яратиб беради.

Хулоса қилиб айтсак бўладики, таълим тизимидағи кенг ривожланишлар, юксалишларни кенг тарғиб қилиниши, газета саҳифаларида, журнал варакларида, телевидения ва радиода таъкидлаб борилиши халқимиз учун муҳим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази статистик ва таҳлилий маълумотлари. 2009-2015 йиллар
2. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда, 30-сон 347-модда.)
3. Малянова Н.Е. Управление потенциалам высшей школы как ресурсом развития региона. Уч.ст. К.Э.Н. 080005 Пермь 2010 г. 5. Ахунова Т.К. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни тақомиллаштириш, докторлик дисс., Т., ТДИУ., 2004.